O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 15 август, шанба • № 64 (11.047) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЮКСЕМБУРГ ПАРЛАМЕНТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда.

Люксембург ҳукумати Европа Иттифоқи Кенгашига Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш жараёнини тугатганини маълум қилди. Мазкур Битим Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзоланган эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ўртасидаги барча соҳаларда яқин алоқаларнинг ҳуқуқий негизини белгиловчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бугунга келиб Европа Иттифоқининг ўн иккита аъзо-давлати томонидан ратификация қилинди.

«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ.

АЙНИ КУНЛАРДА вилоятимиздаги барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар Ўзбекистоннинг мустақиллик байрамини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш уюшмасига қарашли автокорхона ҳайдовчилари ҳам бу умумхалқ ҳаракатидан четда қолмаётирлар.

СУРАТДА: мазкур корхонанинг бир гуруҳ илғор ходимларини кўриб турибсиз.

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

МАЪНАВИЯТ СОАТЛАРИ

Республикамиз мустақиллигининг етти йиллиги муносабати билан вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўтаётган «Маънавият соатлари» иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда

Ҳақиқатан ҳам вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бошланган «Маънавият соатлари» жойларда юксак кайфиятда, эркин, расмиятчиликдан ҳоли, қатнашчиларнинг фаоллигида ўтмоқда. Уларда республикамизда етти йил ичида амалга оширилган ишлар, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тобора ортиб бораётган нуфузи, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган фармон, қарорлари, қонунларининг ижросини таъминлаш, уларни одамларга тушунтириш, энг муҳими, Мустақиллик — бу улуғ неъматни асраб-авайлаш, мана шу Ватан, унинг равнақи учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни дилдан ҳис этиш тўғрисида чуқур мулоҳазалар билдирилмоқда.

Шу йил 12-13 август кунлари бундай тадбирлар Ангрен шаҳри ва Бўка туманида бўлиб ўтди. Унда Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Қуйичирчиқ, Оҳангарон, Бекобод туманлари вакиллари иштирок этдилар.

Маънавият соатларини вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Учрашувларда хотин-қизлар қўмитаси раиси, республика Бош вазирининг ўринбосари Дилбар Ғуломова, республика Президенти Девони масъул ходимлари Низомиддин Маҳмудов, Қуддус Аъзамов, «Ўзбекистон овози» газетасининг бош муҳаррири Азим Суюн, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзамов, республика ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раиси Шарифа Салимовалар қатнашдилар.

Ана шундай анжуман бугун Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтади.

МУҲИДДИННИНГ МАҚСАДИ

Истиқлол юртдошларимизнинг улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларига кенг йўл очиб берди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мустақиллик қалбларимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиш билан бирга, барча инсоний ҳуқуқлардан эмин-эркин фойдаланиш имкониятини яратди. Буни бўкалик ёш фермер Муҳиддин Мирзаев мисолида яққол кўриш мумкин.

Муҳиддин ўз бизнесини муваффақиятли йўлга қўяётган ёш ишбилармон. «Истиқлол» хусусий чорвачилик фермаси очиб тадбиркорлик билан шуғулланаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бугун уни Бўкада ҳамма танийди. Одамларга кўпроқ фойдаси тегаётганидан унинг ўзи ҳам хурсанд.

Албатта, Муҳиддин осонгина фермер бўлиб қолгани йўқ. Кўпдан бери ўйлаб юрганини обдон калласида пишитди. Бу орада педагогика институтини ҳам муваффақиятли тугатди. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Жиддий тайёргарликдан сўнг, кўпчилик билан маслаҳатлашиб «Ачамайли» жамоа хўжалигидаги ташландиқ паррандачилик фермасини сотиб олди. Шу кундан бошлаб улфатчиликни, қайфу-сафони бир четга йиғиштириб қўйишга тўғри келди. Кечаси-ю кундузи ёниб ишлади. Бир йилда хўжалигидаги чорва бош сонини қирқтага етказди. Йилқичиликни ҳам йўлга қўйди. Болтур жамоа хўжалигига шартнома асосида 1,5 тонна, туман тайёрлов идорасига 500 килограмм гўшт етказиб берди.

— Отам колхозда қирқ йил ишлади, узоқ йиллар чорвачилик фермасини бошқарди. Аммо у орзу қилган ниятга мен эришдим. Хусусий ферма очдим, мулкдор бўлдим, — дейди ёш фермер. — Мустақиллик бўлмаганида бу гаплар қаёқда эди. Ҳозир эзгу ишларни амалга ошириш учун барча имкониятлар бор.

Чорвачилик етти хазинанинг бири, аммо наслчиликни тўғри йўлга қўймай, илғор технологияни дадил жорий этмай туриб муваффақиятга эришиш қийин. Муҳиддин билан суҳбатлашиб буни яхши англашига амин бўлдик. У хусусий бизнесидан келаётган дастлабки фойдага ҳозирча шахсий машина сотиб олишга, данғиллама уй қуришга ошиқмаяпти. Аксинча, ҳар бир сўмни тежамкорлик билан ишлатмоқда. Фермасини кенгайтираётир. Яқинда анчадан бери орзу қилиб юрган ниятига етди — трактор сотиб олди. Тасарруфидаги ўн гектарга яқин экин майдонига ишлов бериш осонлашди. Айни пайтда замонавий усулда бўрдоқичилик фермаси қуриш, Швециядан наслдор ғунажин олиб келиш тараддудида.

— XXI асрни қандай тассавур қиласиз? — сўраймиз ундан.

— Ўзбекистонимиз демократик жамият қуриш йўлида дадил одимлаётгани, нуфузли давлатлар ҳам бизнинг сиёсатни тан олаётгани мени жуда севинтиради, — дейди у. — Агар шундай собиткадам иш тутилса мамлакатимиз тез орада жаҳоннинг энг юксак ривожланган давлатлари қаторидан мустаҳкам ўрин олиши турган гап. Менинг эса энг замонавий жиҳозланган чорвачилик комплексим бўлади. Насиб этса, ишни шундай ташкил қиламанки, хусусий фермамда гўшт ҳам, сут ҳам, наслдор қорамол ҳам етиштираман. Ва, албатта, сармоямнинг кўпчилик қисмини эл-юрт фаровонлиги, мамлакат ободлиги учун сарфлайман. Шундай кунлар яқинлигига имоним комил.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

«ОРЗУ—УМИДЛАРИМИЗ МУШТАРАК»

Ҳадемай мамлакатимиз халқи қутлуғ байрам — истиқлолнинг 7 йиллигини кенг нишонлайди. Бу айём арафасида ЎзА мухбири Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида эътироф этган дўст мамлакат — Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Мамдуҳ Шавқийга мурожаат қилиб, икки давлат ўртасидаги алоқалар, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар ҳақидаги таассуротлари тўғрисида суҳбатлашди.

— Сиз билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиги арафасида суҳбатлашиб турганимдан беҳад ҳурсандман, — деди Мамдуҳ Шавқий. — Мен бу йил истиқлол байрамини иккинчи маротаба ўзбекистонликлар билан биргаликда нишонлайман. Мустақиллик эълон қилинган куни ўзбек халқи учун кенг орзу-умидлар йўли очилди. Ўзбекистон ўтган қисқа даврда ривожланишнинг аниқ йўлига тушиб олди. Муваффақиятларни юртингизда рўй бераётган ҳар кунги ўзгаришларда кўриш мумкин. Бу ўзгаришлар нафақат иқтисодий-сиёсий, балки, ижтимоий соҳада ҳам юксак даражадалиги билан қадрлидир. Буни Мисрдан Ўзбекистонга ташриф буюрган оддий фуқаро ҳам, расмий делегация аъзолари ҳам бир хил эътироф этади.

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан сўнг давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар янгича руҳда ривожланиб бормоқда. Бунга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ва Миср Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак билан учрашуви давомида келишилган аҳдлашувлар асос бўлди. Ушбу ташриф давомида илм-фан, транспорт ҳамда сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланган. Суҳбатимиз бевосита ўтган етти йиллик даврдаги алоқалар тўғрисида кетар экан, илм-фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик юқори даражада эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Яқинда Тошкентда Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтади. Ўйлайманки, бу анжуман икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаради.

Истиқлол — хорижликлар нигоҳида

— Маълумки, Мисрда барча мамлакатлар билан дўстона муносабатда бўлиш, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш сиёсатини юритиш билан биргаликда қатор иқтисодий ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг Мисрдагига ўхшаш томонларини нималарда кўрасиз?

— Аввало, икки давлатнинг муштарак томонлари кўп эканини айтиш мумкин. Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам ўз минтақасида тинчликни мустаҳкамлаш тадбирларининг ташаббускори, халқларимиз мустақиллигини бунёдкорлик йўли билан мустаҳкамламоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар марказида фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ғояси ётади. Миср Президенти Муҳаммад Ҳусний Муборак ҳар доим ўз чиқишларида бу ислоҳотлар фуқароларга салбий таъсир кўрсатмаслиги кераклиги, шунинг учун ҳам фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни эътибордан қочирмаслик лозимлиги тўғрисида кўп таъкидлайди. Ўзбекистонда ҳам аввал бошданоқ ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий ислоҳотлар давомида мамлакатингизда фуқароларни аниқ ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда ижтимоий барқарорлик мавжуд.

— Нил соҳилида жойлашган дилбар мамлакатингиз ҳамиша сайёҳларни ўзига мафтун этиб келган. Ўзбекистоннинг бетакрор обидалари овозаси ҳам олис-олисларга етган. Икки мамлакат ўртасида сайёҳлик соҳасидаги алоқалар қандай ривожланмоқда?

— Мисрни жаҳон маданиятининг бешиги, дейишади. Бир тарафида Қизил денгиз, бир тарафида Ўрта Ер денгизи жойлашган, фиръавнлар ва ислом даврига оид ёдгорликларнинг кўплиги боис ҳам бизда сайёҳлик яхши ривожланган. Яна бир нарсани айтиб ўтиш керак, дунёда археологик қазилмалар натижасида топилаётган ёдгорликларнинг тўртдан уч қисми шу ерга тўғри келади. Ўзбекистон ҳам тенги йўқ гўзал мамлакат. Бу ердаги обидаларнинг ҳам қадимийлиги ва ўзга мамлакатда бундай шоҳ асарларни топиш амри-маҳоллиги юртингизда сайёҳликни ривожлантириш учун катта имкониятлар очади. Миср билан Ўзбекистон ўтасида бу соҳада ҳамкорлик қилиш учун шароитлар етарли.

— Элчи жаноблари, сиз хизмат тақозоси билан дунё кезган кишисиз. Бугунги Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақидаги таассуротларингизни ҳам ўртоқлашсангиз...

— Ўзбекистон ва унинг меҳмондўст халқи таърифини бу ерга келишдан аввал ҳам кўп эшитганман. Келганимдан сўнг бунга яна бир бор амин бўлдим. Ўзбек халқидек матонатли халқнинг ўхшаши йўқ. Бундай дейишимга асос бор, албатта. Ўзбекистон собиқ иттифоқ республикалари орасида биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди. Бошқа давлатлар ҳам бирин-кетин мустақил бўлиб, айримларида сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик авж олган бир пайтда халқингиз асрларга татигулик улкан ишларни амалга оширишга киришди. Мана, бугунги кунда бу ютуқларни бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига энг самимий тилакларни изҳор этиб, тобора яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами билан яна бир бор қутлайман.

ЎзА мухбири Беҳзод НОРБОЕВ суҳбатлашди.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ҚИШЛОҚДА ДАВРА СУҲБАТИ

Янгиобод қишлоғидаги 77-махсус мактаб-интернатда қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашининг раисалари ва бошқа фаоллар иштирокида очиқ мулоқот бўлди.

Унда мамлакатимиз Президентининг «Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига берган жавобида кўтарилган масалалар, жамиятимиз маънавий тараққиёти, тарих ва келажак билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, қишлоқ аҳли олдида турган вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Давра суҳбатини Қибрай тумани хотин-қизлар қўмитаси раисаси, туман ҳокими муовини Бибихон Шералиева олиб борди. Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди Ҳайрулла Рўзиматов ҳозирги кунда замон ўртага қўяётган янги вазифалар ҳақида сўзлади. Давра суҳбатида савол ва жавоблар бўлди.

Ана шундай давра суҳбати «Дўрмон» жамоа хўжалиги боғида ҳам бўлиб ўтди.

Абдуҳамид ФОЗИЛОВ.

НУРОНИЙЛАРГА ТУҲФА

Алимкент қўрғонида яшовчи фахрийлар республика мустақиллигининг етти йиллиги арафасида ажойиб туҳфа олдилар. Ака-ука ишбилармон Муроджон ва Раҳматжон Тўраевлар барча шароитларга эга бўлган чойхона қуриб, отахонларга топширдилар.

«Қурбон ота» деб номланган ушбу оромгоҳ дастлабки кунданоқ ғоят гавжум бўлмоқда. Ишбилармон Тўраевлар ўз маблағлари ҳисобидан кўпдан-кўп савобли ишларни қилмоқдалар. Жумладан, улар яқинда 60 нафар отахон ва онахонларни автобусда Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилдириб, олиб келдилар.

Абдулла МАЪДИЕВ.

РАИСЛАР ВА КОТИБЛАР ЎҚИШМОҚДА

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва туманларида ҳудудий тартибда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ва котиблари, шаҳарлардаги маҳаллалар қўмиталари раисларининг малака ошириш бўйича ўқув машғулотлари Олмалиқ шаҳрида бошланган эди. Ўтган куни у Янгийўл шаҳрида давом этди.

Бу машғулотларда раҳбар маънавияти, хўжалик дафтарларини юритиш, юқори ташкилотлар фармонлари ва қарорлари билан ишлаш, кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш, маъмурий ҳужжатлар назорати каби мавзулар юзасидан малакали мутахассислар дарс бермоқдалар.

Хусусан, мазкур ўқувларда тингловчилар вилоят аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи Т.Холбоев, вилоят маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази раиси Р.Шералиев, вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг муовини З.Маҳаматов, вилоят ҳокимлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бўйича мутахассиси Б.Бойбўтаев, вилоят ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари гуруҳи мутахассиси А. Асроворларнинг суҳбатларидан қониқиш ҳосил қилдилар.

Саид АҲМЕДОВ.

ИНСТИТУТ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

БУНДАН юз йил муқаддам ўзбек диёридаги тўнғич илмий муассасалардан бирига асос солинган эди. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли академик Шредер номи билан аталиб келинаётган институт республикамизда боғдорчилик, узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида унинг фаолият доираси янада кенгайиб, Марказий Осиёдагина эмас, ҳатто, қатор хорижий мамлакатларда ҳам яхши танилиб қолди.

Институтнинг юз йиллиги муносабати билан унинг бир асрлик фаолияти тўғрисида ҳужжатли фильм яратишга киришилди. Таниқли кинорежиссёр Жасур Исҳоқов бошчилигидаги бир гуруҳ киносанъаткорлар экран асари устида қизғин иш олиб бормоқдалар.

Акбар АЛИЕВ.

Биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг саккизинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг саккизинчи сессияси 1998 йил 21 август куни соат 8.00да Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Тошкент вилояти ҳокими

Э.РЎЗИЕВ.

1998 йил, 14 август.

Янги корхона!

«КОКА-КОЛА» — ҚЎЙЛИҚДА

КУНИ кеча Coca-Cola компанияси тизими Марказий Осиёдаги йирик газлаштирилган ичимликлар бозорида истеъмолчиларнинг «Кока-кола» маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган талабини қондириш мақсадида Ўзбекистонда бешинчи қуйиш заводини очди. Лойиҳа «Кока-кола» тизими томонидан ажратилган 55 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияни ўз ичига олди. Компания 1994 йилдан буён Ўзбекистонга умумий ҳажми 140 миллион АҚШ долларидан иборат инвестиция ажратди.

Янги завод «Кока-кола» компаниясининг Ўзбекистондаги режалари ўта жиддийлигининг ишончли белгиси бўлди. Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари Мираброр Усмонов корхона очилиши маросимида сўзга чиқиб, юқоридаги фикрларни таъкидлади.

Пойтахтдан унча узоқ бўлмаган масофада жойлашган Қўйлиқдаги янги супер завод Ўзбекистонда газлаштирилган ичимликларни ишлаб чиқариш бўйича «Кока-кола» тизимининг Марказий Осиёдаги энг йирик заводи ҳисобланади. Заводнинг ўта замонавий жиҳозлари мамлакатда бундай турдаги биринчи иншоотлардир. Бу асбоб-ускуналар ҳисобига 160дан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилди.

«Ушбу инвестициялар лойиҳаси бизнинг Ўзбекистон халқига бўлган ишончимизнинг яна бир янги далилидир», — деди «Greatp Europe Group, The Coca-Cola Compani» президенти Уильям П.Кейси. Шунингдек, у Ўзбекистон ҳориж инвестицияларини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ўсиш жараёнини ривожлантириш йўлидан олға бораверади. Биз Ўзбекистон иқтисодини ривожлантириш ишига ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимиздан фахрланамиз, деб ишонч билдирди.

Қўйлиқ заводининг ишга туширилиши Ўзбекистонда «Кока-кола» тизими ходимлари умумий сонини 1800 нафарга оширди. Ишлаб чиқариш ва тақсимлаш қудратига эга бўлиб, 20 минг кв. м. майдонда жойлашган завод муассислари «Roz Group Ltd., The Coca-Cola Compani» ва маҳаллий давлат корхонаси «Ўзозиқовқатсаноат» ҳисобланган «Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.» қўшма корхонасига тегишлидир.

«Coca-Cola Compani» салқин ичимликларни ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган дунёдаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланади. Дунёда машҳур марка сифатида тан олинган «Кока-кола» билан бир қаторда компания машҳур бошқа бешта салқин ичимликлардан учтасини — «Диет Кок», «Фанта», «Спрайт»ни ҳам ишлаб чиқаради ва сотади. Энг йирик тақсимот тизими туфайли дунёнинг 200дан ортиқ мамлакатлари истеъмолчилари кунига 1 миллиарддан зиёд насиба микдорида компания маҳсулотларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Қўйлиқда қад кўтарган янги корхона республикамиз мустақиллигининг етти йиллиги байрамига муносиб туҳфа бўлди.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

СУРАТЛАРДА: корхона лавҳалари.

В.ПОРТНОВ олган суратлар.

15 август — Ҳиндистон мустақиллиги куни

ОЗОДЛИК ҚУЁШИ ОСТИДА

Бизга дўст ва қўшни ҳинд халқи ҳар йили 15 август куни ўз миллий байрами — мустақиллик кунини нишонлайди.

Озодлик қуёши балқиган кун — халқ ҳаётининг юлдузли онларидир. Салкам икки юз йил инглиз мустамлакачилари зулми остида яшаган ҳинд халқи учун мустақиллик бебаҳо неъматдир. Мард ва истеъдодли халқнинг неча минглаб фарзандлари мустақиллик меҳробига азиз бошларини қўйдилар. Ҳинд халқининг улуғ фарзандлари — Махатма Ганди ва Жавахарлаъл Неру мамлакат узра озодлик байроғини баланд кўтардилар. 1947 йил 15 август тонготарида ҳинд халқининг биринчи бош вазири Ж. Неру майдонда чайқалиб турган халқ денгизи гувоҳлигида Деҳлидаги Қасри лаъл гумбазига миллий байроқни ўрнатди.

Кейинги ярим аср мобайнида Ҳиндистон Республикаси мустақиллик ва тараққиёт йўлидан боряпти. Мустақиллик туфайли бу қадимий мамлакатнинг иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, саноат, фан ва техника, маориф ва маданият соҳасида эришган муваффақиятлари кишини лол қолдиради. Эллик йил ичида Ҳиндистон қолоқ мустамлака мамлакатдан дунёдаги йирик давлатлардан бирига айланди. У жаҳон иқтисодиётига дадил кириб боряпти. Экспорт ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бориши, тайёр маҳсулот ассортиментининг кенгайиши, Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги мамлакат куч-қудратининг ифодасидир. Иқтисодиётни чуқурлаштириш сиёсати туфайли ҳар йили экспортдан 26 миллиард доллар даромад олинмоқда.

Ҳозир Ҳиндистонда икки ярим мингдан зиёд илмий-техника марказлари фаолият кўрсатиб турипти. Уч юз мингдан зиёд мутахассислар фақат саноат соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари билан банд. Шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Ҳиндистон юксак технологияни, янги фан соҳалари — фазони ўрганиш, океаншунослик, биотехнология, ядро тадқиқотлари ўтказувчи илғор мамлакатлар сафига ўтиб олди. Унинг реактор технологияси ва ядро ёқилғисини ривожлантириш соҳасидаги муваффақиятлари кенг эътироф этилган.

Пилла етиштириш, қоғоз ишлаб чиқариш, кемасозлик, авиация, ҳарбий кемалар, сувости кемалари тайёрлашда дунёда олдинги марраларга чиқиб олди. Чой, гўшт ва сут маҳсулотлари етказишда ҳам дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турипти. Фан, техника, технология, саноат, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий вазиятга таъсир этмай қолмади. Масалан, қашшоқлик даражаси 40 фоиздан 19 фоизга тушди. Ҳиндистон темир йўллар тармоғи бўйича Осиёда иккинчи ўринда, автомобиль йўллари бўйича дунёда учинчи ўриндадир.

Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар қадимий ва азалийдир. Ўзбекистон ҳудудида топилган Будда қиёфаси тасвирланган тош ҳайкалча, маданий меросимиз муштараклигидан ёрқин намунадир. Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган қадимий ипак йўлида ҳинд савдогарлари, саёҳатчилари юртимиз орқали ўтиб турганлар. Қимматбаҳо ва нафис моллари орасида мусиқа асбоблари, миллий либослар бўлгани табиийдир. Ипак йўли ўтган масканларда ҳинд карвонсаройлари қад кўтарган. Руҳан ва маънавий жиҳатдан яқин халқлар ўртасида бир-бирларининг тилини, урф-одатларини, маданиятини ўрганишга қизиқиш катта бўлган. Беруний ва Ибн Синодан ҳоразмликлар қадимги ҳинд тили — санскритни пухта билгани ҳақида тарихий маълумотларга эгамиз. Буюк аждодларимиз Беруний, Мирзо Ғолиб, Мирза Бедил, Бобур учун Ҳиндистон иккинчи ватан бўлган.

Улуғ бобомиз Мирзо Бобур бу мамлакатда янги сулолага асос солганлар. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистонда 332 йил ҳукмронлик қилган. Шу сулолага мансуб бўлган Бобурзодалар — Акбар ва Шоҳ Жаҳон Ҳиндистон тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирганлар. Мазкур сулоланинг сўнгги ҳукмдори шоҳ ва шоир Баҳодиршоҳ II ни 1857 йилда мамлакатда инглизлар ҳукмронлигига қарши кўзғолон кўтарилиши билан халқ уни кўзғолон раҳбари ва Ҳиндистоннинг олий ҳукмрони деб эълон қилди. Марказий ҳокимиятнинг таназзулга юз тутиши шаҳзодаларнинг тахтни эгаллаш орзуси билан ўралашиб қолишлари туфайли халқ ҳаракати кутилган натижаларни бермади. Шундай бўлсада, Баҳодиршоҳ аждодлар руҳига содиқлигича қолди, барча хўрликларга мардона чидади, халқ раҳнамоси тимсолига айланди. У Ҳиндистонда миллий-озодлик ҳаракатининг биринчи яловбардорларидан бири сифатида тарихда қолди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин икки халқ, икки суверен давлат ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар янги босқичга кўтарилди. Президентимиз И. Каримов давлат бошлиғи сифатида 1991 йилнинг 18—19 август кунлари Ҳиндистонда бўлдилар. Дўст ҳинд халқи, мамлакат раҳбарлари юртбошимизга иззат-ҳурмат кўрсатиб, самимий кутиб олдилар. Халқларимиз орасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Мамлакатимизда ўнлаб Ҳиндистон — Ўзбекистон қўшма корхоналари ишлаб турипти. Дўст ҳинд халқини мустақиллик байрами билан самимий муборакбод қиламиз.

Анвар КАРИМОВ.

ПОЧТА:

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОСЛАШИШ

ПОЧТА хизматидан ҳамма фойдаланади. Барча меҳнат жамоалари, ҳар бир оила ва фуқаро унинг мижози ҳисобланади, дейиш мумкин. Ҳа, почта уларни ташқи дунё билан боғловчи ришталарнинг муҳимларидан биридир. «Тошкент почтаси» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бозор иқтисодиёти шароитларида ишлашга қандай мослашмоқда? Мухбиримиз Мирсобир Мирҳамидовнинг жамият директори Р. Э. ЗИКИРОВ билан суҳбати шу хусусда бўлди.

— Раҳмонберди Эгамович, вилоят почтаси катта хўжалик ҳисобланади, барча шаҳар ва туманларда унинг бўлимлари бор. Улар бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида қандай ишлашяпти?

— Аввало шуни айтиш керакки, вилоят почтасида хўжалик юритиш усули ўзгарди, яъни у замонавий шакл касб этди. Ўтган йилдан бошлаб бошқармамиз «Тошкент почтаси» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ҳақиқатдан ҳам хўжалигимиз анча катта. Шуни айтиш кифояки, ҳиссадорлик жамиятимиз тизимида 20 та шаҳар ва туман филиаллари ишлаб турибди, 334 та алоқа бўлимлари фуқароларга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг 229 таси қишлоқларда жойлашган.

Почта маҳсулотларини ташиш билан банд бўлаётган ишчи-хизматчилар жамоамизнинг ярмини ташкил этяпти. Ҳозирги вақтда вилоят ичида автотранспортлар билан олтита йўналишда почта ташилмоқда. Шаҳарлар ва туманлар ичидаги бундай йўналишлар эса ўттиз саккизтага етди. Бундан ташқари, почтани белгиланган манзилларга элтиб бериш билан банд бўлган 920 та участкалар ишлаб турибди.

— Вилоят почта бошқармаси ҳиссадорлик жамиятига айланганидан кейин ишда қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлди? Шу ҳақда қисқача гапириб берсангиз.

— Хўжалик юритишнинг бу янги шакли бозор иқтисодиётига ўтиш даврига мослиги билан ажралиб туради. Бунда корхона соҳиби асосан жамоа ҳисобланади. У мустақил ишлайди. Унинг манфаатдорлиги иши натижасига боғлиқ бўлади. Қанча самарали, унумли ишласа шунча кўп наф кўради. Шундай бўлгач масъулияти ҳам ошади. Бу ўз навбатида уни ижодий изланишга ундайди, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келадиган имкониятларни қидириб топиш ва ишга солишга бўлган интилишини кучайтиради.

Ҳиссадорлик жамияти шароитига ўтиб ишлаётганимиздан бери қисқа вақт ўтди. Лекин у ҳар томонлама юксалишга ёрдам бераётганлиги сезилиб турипти. Алоқа бўлимлари, почтальонларнинг аҳолига кўрсатаётган хизмат ҳажми кўпайди ва унинг янги шакллари жорий қилинди. Шунга яраша даромад ҳам анча ўсди. Масалан, ҳозирги вақтда барча алоқа бўлимларида электр энергияси, газ, коммунал хизмат учун тўловлар қабул қилиняпти. Бундан ташқари, ҳар хил турдаги солиқлар, айрим туманларда ДАН солиқлари ҳам қабул қилиняпти. Почтальонлар орқали бундай тушумлар хонадонлардан йиғиб олинмоқда. Алоқа бўлимларимиз дарсликлар, идора ашёларини сотишни ҳам йўлга қўйганлар. Натижада олинаётган даромад ҳажми ортиб бормоқда. Буни жорий йилнинг биринчи ярми якунларидан ҳам кўрса бўлади. Шу даврда 93 миллион сўм даромад олиниши режалаштирилган эди. Хизмат ҳажмини кўпайтириш, маданиятини ошириш туфайли у 106 миллион сўмни ташкил этди.

Айни вақтда ички ҳаражатларни камайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бўлинмаларни ихчамлаштириш, ортиқча бўғинларни қисқартириш, ижара ҳаражатларини камайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Бу ҳам даромаднинг ортишига олиб келмоқда. Йил якунида акционерларга дивидендлар тўлашга эришиш учун бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар почта хизматини ҳам четлаб ўтмаган, албатта. Шу муносабат билан юз берган янгиликлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Албатта, иқтисодий ўзгаришлар бизнинг тармоқда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Янги шароитлар янгича ишлашни тақозо этмоқда. Бошқармамизнинг ҳиссадорлик жамиятига айлангани ҳам шу туфайлидир. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиб бориши, халқ хўжалиги тармоқлари ва аҳолининг соҳа хизматига нисбатан талабининг ортиши почтани ривожлантириш суръатини шунга мутаносиб олиб боришни, соҳада чуқур ислоҳотлар ўтказишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг почта ва телекоммуникацияларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳақида ўтган йилнинг май ойида чиқарган фармони бу ишда дастуруламал бўлмоқда. Шу муносабат билан почтани 1998 — 2000 йилларда ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгиловчи концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди ва у почтачилар ўртасида муҳокама қилиниб, ўрганиляпти, уни такомиллаштиришга қаратилган таклифмулоҳазалар тўпланяпти.

Иқтисодий ислоҳотлар — амалда

Концепциянинг асосий мақсадларидан бири соҳа фаолиятини тубдан яхшилаш ва энг аввало почтани етказиб бериш хизматини бозор иқтисодиёти шароитларига мос равишда ўзгартиришдан иборатдир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, почтальон уйга етказиб бериш хизмати қиммат бўлгани учун аксарият аҳоли почтани алоқа бўлимларидан, махсус дўкончалардан олишни афзал кўрадилар. Концепция ҳам шу йўлдан боришни, босқичма-босқич етказиб бериладиган матбуот нашрлари, хат-хабарларни камайтириш, бунинг ўрнига бевосита алоқа бўлимларининг ўзида кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини кўпайтириш, айни вақтда унинг сифати ва маданиятини кўтаришни назарда тутади.

— Бу почтани етказиб бериш хизматидан бутунлай воз кечишни билдирмайдими?

— Асло, хизмат кўрсатишнинг бу шакли тугатилмайди. У икки ўртада буюртмачи ва ижрочи — почта бўлими ўртасида тузиладиган шартнома асосида олиб борилади. Бундай шартномалар хўжалик ҳисобида иш юритувчи корхоналар, хўжаликлар, фирмалар, уюшмалар, ширкатлар, якка тартибда иш юритувчи ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, айрим фуқаролар билан тузилади. Почта маҳсулотини манзилгоҳларига етказиб бериш бўйича ҳақни шу хизматдан фойдаланувчиларнинг ўзлари тўлайдиган бўладилар. Алоқа бўлимидан олиб кетувчилар эса бундай ҳақ тўламайдилар.

Албатта, бундай алоқаларнинг имкониятлари ҳам ҳисобга олинади. Шунинг учун почта хизматларига тарифларни, хизмат сифати даражасини белгилашда табақали ёндошиш назарда тутилади. Яъни кам таъминланган табақа аҳолисига ва ногиронларга имтиёзлар бериш масаласи кўриб чиқилмоқда, уларни ҳақ тўлашдан бутунлай озод қилиш назарда тутиляпти.

— Почтальон хизматидан фойдаланувчилар кўшимча хизмат ҳақини қандай тўлайдилар, унинг миқдори қанча бўлиши аниқ кўрсатилганми?

— Олинадиган ҳақ миқдори ҳозирча аниқ белгиланмаган. Лекин, дастлабки вақтларда, яъни синов даврида қанча олиш тахминан қўлланилади. Масалан, пенсия пулини уйга олиб бориш ҳақи унинг миқдорига ва масофасига қараб 15—25 сўм ўртасида бўлади. Ҳар бир газетани элтиб берганлик учун 1,5—2 сўм ўртасида ҳақ тўланади. Бу пул бевосита почтальонга тўланади, бу унинг даромади ҳисобланади. У ўз навбатида шу даромаддан маълум фоиз солиқ тўлайди.

Янги тартиб ҳам ҳомаки, кейинчалик унга аниқлик киритилади. Шунинг учун ҳозир уни тарғибот-ташвиқот қилишга, моҳиятини тушунтиришга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда шаҳарлар ва туманларда соҳа ходимлари, шунингдек мутасадди ташкилотлар вакиллари билан қатор кўчма семинарлар ўтказилди. Яқинда Чирчиқда амалий машғулот уюштирилди. Чунки, янгиликнинг қоида-тартибларини биринчи навбатда алоқачилар, почтальонларнинг ўзлари яхши тушуниб олишлари зарур.

— Янгиликни амалда синаб кўриш тадбирлари ҳам белгиланмоқдами? У халқ қандай қабул қилишини, бу тартибга муносабатини ўрганиш шуни тақозо этади-ку...

— Мулоҳазангиз жуда тўғри, биз синов ўтказадиган объектни танладик. Шу кунларда унга тайёргарлик ишлари тугатилмоқда. Маслаҳатлашиб Зангиота тумани Ўртаовул фуқаролар кенгаши ҳудудидаги аҳолига, ташкилотлар, хўжалик, муассасаларга хизмат қиладиган «Абжалбоб» қишлоқ ва «Чирчиқ-3» алоқа бўлимларида жорий қилишни режалаштирдик. Олдиндан саккизта маҳалла фаоллари билан учрашдик, туман ҳокимлигида муҳокама қилдик.

Шу ой охиригача ушбу алоқа бўлимлари хизмат кўрсатадиган хонадонларга, меҳнат жамоаларига сўров варақалари тарқатилади ва уларнинг янгилик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари умумлаштирилиб ўрганилади. Август, сентябрь, октябрь ойларида почтальонлар хонадонларга кўрсатиладиган хизмат ҳақи бўйича улар билан шартномалар тузиб ишлашади. Бу синов муддати ҳам маълум меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Почта хизмати кўрсатишдаги янгилик ҳақида вилоятимизнинг барча аҳолиси, корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасалар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ўз фикрлари, таклифларини баён қилишса айни муддао бўларди. Бу янги тартибни маромига етказиб жорий қилишга ёрдам берарди.

БУГУН МЕҲНАТ ҚИЛГАН ДЕҲҚОН

...ЭРТАГА МЎЛ ВА СИФАТЛИ ҲОСИЛ ОЛАДИ

Август — куз хирмони тарозисига барака тоши қўйиладиган алоҳида ой. Бу ойда ғўзалар ҳам алоҳида парваришни хуш кўради. Суғорилган ва етилган эгатлар вақтида юмшатилиши, пайкаллар бегона ўт ва зарарли ҳашаротлардан тозаланиши, бунинг учун эса пахта йиғим-терими мавсуми бошлангунга қадар барча ишчи кучлари ва техника воситаларидан самарали фойдаланилиши лозим. Хўш, хўжаликларда ана шунга қандай амал қилиняпти?

Биз яқинда Бўка туманидаги «Ровот» ширкат хўжалигининг пахтазорларида бўлдик. Бу ерда 495 гектар майдондаги ғўзалар ёппасига саккиз-тўққизтадан бўлиқ кўсак боғлабди. Бизга бу янгича ишлашнинг ҳосияти дейишди. Дарҳақиқат бу йил хўжаликда пахта майдонлари 180 нафар пудратчиларга тақсимланган. Улар оила аъзолари билан астойдил ишлашмоқда. Бунга бир мисол — беш кун деганда хўжаликда ғўзани чилпиб бўлишибди. Сифатли культивация қилинаётган, қониб шарбат ичиб озиқланаётган, бегона ўт ва зарарли ҳашаротлардан қутулган ғўзалар ердан олган куч-қуввати ни ҳосилга ҳосил қўшиш учун сарфлаяпти. Бу борада тўртинчи бригада аъзолари барчага ўрнак бўлишяпти. Жамоанинг 69 гектарлик пахтазорида ғўзалар белга уради.

Аслида бригада бошлиғи Ғайрат Бойқўзиев янгиликка ўчлиги, илғор тажриба ҳақида кўрган-эшитган янгиликларини албатта, ўз бригадаси ерларида синаб кўрмагунча тинчимаслиги билан хўжаликда танилган деҳқон. Ўтган йили бошқарувда плёнка остига чигит экиш ҳақидаги маслаҳат ўртага қўйилганида 20 гектар ерда шу усулда деҳқончилик қилган ва хўжаликда энг юқори ҳосил етиштиришга эришганди. Бу йил 69 гектар майдоннинг 50 гектарини плёнкага ажратаман, деб туриб олган ҳам мана шу Ғайрат Бойқўзиев бўлди. Шундай қилди ҳам. Механизатор Қурбон Ҳайдаров билан бирга сеялкага ўтириб, плёнка остига «Фарғона-3» навли чигит ташлади. Биринчи культивацияни ҳам механизатор билан бирга қилди. Бригаданинг энг сара сувчилари — Суннат Боймонов, Низом Тоиров, Ҳидир Абдувалиев билан бирга эгатма-эгат юриб сув таради.

— Юринглар, — деди Ғайрат Бойқўзиев бошқарув раиси Рустам Теляпов билан бош ҳосилот Баҳодир Эшонқуловни даланинг ичкарисига бошларкан. — Плёнка остига чигит экиш билан яхши парваришнинг ҳосиятини бир кўриб қўйинглар...

Белга уриб турган ғўзалар боғлаган шиғил-шиғил кўсакларнинг кўпи тиш кўрсатиб, олди оппоқ чақнаб очила бошлабди. Раис астойдил суюнганидан, чаноқларда тўлиб-тошиб юз кўрсатган пахтани силаб-суюб кўзларига суртаркан:

— Баракалла, иш деган мана бундоқ бўлипти, хурсанд қилдинг, — деб бригада бошлиғининг қўлларини қаттиқ қисди.

— Шартномада ҳосилдорлик 27 центнер қилиб белгиланганди, — деди Ғайрат Бойқўзиев. — Кеча ўзимча хомчўт қилиб чиқдим. Ҳозирданоқ режани қоплайдиган ҳосил тўпланибди. Сумбула киргунича бор гулни кўсакка айлантирсак, бу йил камида 40 центнердан хирмон кўтаришимиз мумкин...

Шу куни хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам бўлиб, ёз юмушлари вақтида, сифатли қилиб бажарилаётганлигини, шарбат суви бериб суғориш ҳамма жойда қоида бўлиб қолганлигини, бегона ўт ёки зарарли ҳашаротларга қарши жиддий кураш олиб борилаётганлигини кўрдик.

Долзарб мавзу

— Мақсадимиз битта, — деди хўжалик бошқаруви раиси Рустам Теляпов. — 495 гектар майдонда камида 35 центнердан ҳосил етиштирамиз. Ҳозир экинлар парваришини сира ҳам сусайтирмаган ҳолда йиғим-теримга пухта тайёргарлик ҳам кўриляпти. Дала шийпонлари, пахта хирмонлари таъмирлаб қўйилди. Этак ва қоплар ҳозирланди. Терим ва транспорт воситалари ҳам 15 августгача тайёр бўлади. Терим мавсуми тадбирларини ишлаб чиқдик. Хуллас, октябрь ойида пахта тайёрлаш йиллик режасини ошириб бажариш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланамиз.

Биз шу куни тумандаги бошқа хўжаликларнинг далаларида ҳам бўлиб, ғўза парвариши қандай олиб борилаётганлигини кўрдик. Афсуски, «Ровот»даги жўшқинлик ва меҳнат кўтаринкилиги айрим хўжаликларда унчалик сезилмайди. Масалан, «Ровот» билан ери ерига туташ қўшни «Мустақил Ўзбекистон» хўжалиги 1100 гектар майдонда пахта етиштираётгани ҳолда ғўза парвариши бўшаштириб юборилган. Айрим хўжаликларда техникадан фойдаланишнинг аҳволи ёмон. Ишчи кучлари тўла жалб этилмагани сабабли ғўзаларни чилпиш ҳам чўзилиб кетди.

Биз шу куни туманда амалга оширилаётган ишлар, долзарб паллада пахтакорлар олдида турган вазифалар хусусида туман ҳокимининг биринчи муовини Омон Амиров билан суҳбатлашдик.

— Ҳақиқатан ҳам баъзи хўжаликларда ғўза ривожланишдан орқада қоляпти, — деди у. — Хокимлик бундай қолоқ хўжаликларни қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассисларига, бригадаларни эса хўжаликларнинг раислари, бош ҳосилотларига биркитиб қўйди. Улар алоҳида назорат қилиб бориляпти. Таҳлил комиссияси тузилиб, улар далаларда ишнинг боришини мунтазам кузатмоқдалар. Ишчи кучларини тўла жалб этиш ва теханикадан фойдаланиш, чопиқ ва қатор ораларини юмшатиш, ғўзаларни чилпиш, шарбат суви бериш сифати ва суръати ҳар куни етакчи мутахассислар иштирокида хўжаликнинг ўзида мунтазам муҳокама қилинмоқда. Туман бўйича камида 42 минг тонна ҳосил етиштириш мақсадида август ойини зарбдор ой деб эълон қилдик. Ҳозир хўжаликларда ҳар бир туп ғўзада ўртача 6—8тадан кўсак тўпланган. Парваришни кучайтириш ҳисобига асад ойи охирига бориб кўсаклар сони 14 тага етказилади. Ривождан орқада қолган минг гектар ердаги экинлар парвариши пахта йиғим-терими мавсуми бошлангунга қадар давом эттирилади.

Ҳа, август ғўза парваришига зўр бериб, ҳосилга ҳосил қўшиладиган зарбдор ой. Аммо, йиғим-терим бошлангунга қадар қолган бир ой мобайнида бутун куч ва имкониятларни сафарбар этиб ғўза парваришини кучайтириш лозим бўлади.

Биз Бўка тумани хўжаликларидан қайтганимиздан сўнг вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг етакчи мутахассиси Аҳмаджон Қодиров билан суҳбатда бўлиб, ундан йиғим-терим мавсумигача пахта далаларида қилиниши лозим бўлган энг муҳим ишлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Куз хирмонининг салмоғи асосан мана шу кунларда қилинадиган ишларнинг нечоғлик сифатли бажарилишига боғлиқ, — деди А. Қодиров. — Мунтазам ўтказилаётган кузатувлар ҳозиргача 26 минг гектар майдондаги ҳар тўп ғўзада етти-саккизтадан, 60 минг гектар ерда бешолтитадан, қолган майдонларда эса уч-тўрттадан кўсак ҳосил қилинганлигини кўрсатди. Барча туманларда ҳам сувдан қолган, чанқатиб қўйилган ғўзалар бор. 10—15 минг гектар ердаги экин ривождан орқада қолган. Бундай майдонларда албатта, шарбат суви бериб суғориш, тупроқ етилиши билан культивация ва чопиқ ўтказиш даркор.

Ҳозир далаларда зараркунанда ҳашаротлар тарқаладиган нозик пайт. Шу сабабли хўжаликлардаги 250 га яқин чопиқ тракторларига ОВХ аппаратлари тақиб, ғўзалар дориланяпти. Ҳар бир далага кузатувчилар қўйилган. Улар кўсак қурти ёки ўргимчаккана пайдо бўлиши билан мутахассисларни огоҳлантирмоқдалар. Яна бир гап — ҳашаротларга қарши курашда арзон ва самарали усул — биологик усуллардан ҳам фойдаланиш зарур. Мана шуларга амал қилган деҳқоннинг ҳосилига ҳосил қўшилади, кузда хирмони баракали бўлади.

Рафиқ ТУРСУНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

Воқеалар мўлкинида

БУГУН — Корея Республикасининг миллий байрами — республика эълон қилинган кун.

БАҒДОД маъмурияти БМТнинг Ироқдаги ялпи қирғин қуролларини йўқ қилиш махсус комиссияси билан ҳамкорлик қилишни рад этганидан сўнг ЮНСКОМ мазкур мамлакатдаги фаолиятини тўхтатди.

ОЗАРБАЙЖОН президенти Ҳайдар Алиев Арманистон президенти Роберт Кочарянни Оврупо иттифоқи шафелигида ўтказиладиган «Ипак йўли» масаласига бағишланган конференцияда иштирок этиш учун Бокуга таклиф қилди. Бу ташриф амалга ошса, икки мамлакат раҳбарларининг сўнгги ўн йил ичидаги биринчи учрашуви бўлади.

РФ Хавфсизлик Кенгашининг котиби Андрей Кокошиннинг Исроилга қилган уч кунлик сафари ниҳоясига етди. Исроил раҳбарлари билан бўлган мулоқотларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, ҳарбий, иқтисодий масалалар муҳокама этилди.

УКРАИНА президенти Леонид Кучма айни кунларда собиқ СССР президентининг Қримдаги «Жанубий» сиҳатгоҳида дам олмоқда. У ўз таваллудининг 60 йиллигини дабдаба билан нишонлади. 25 мамлакатдан келган табрикловчилар энг қимматбаҳо меҳмонхоналарга жойлаштирилди. Зиёфатбозликлар бир неча кун давом этди.

ЖАЗОИР хавфсизлик кучлари муттаассиб ислом гуруҳининг 25 нафар аъзосини маҳф қилдилар.

ЗИМБАБВЕДАГИ сайёҳлар шаҳарчаси — Виктория фолзда Замбия, Тазания, Уганда, Намибия, Руанда ва Конго давлатлари бошлиқларининг учрашуви муваффақиятсиз тугади. Улар Конго Демократик Республикасидаги қуролли можаролар юзасидан бир тўхтамга кела олмадилар.

ИККИ ПОЙТАХТДА ИККИ ФОЖЕА

АФРИКА қитъасининг икки йирик мамлакати — Кения ҳамда Танзания пойтахтларида содир этилган террорчилик ҳуружлари ҳамон одамлар қалбини ларзага солмоқда. Гап шундаки, Найроби ва Доруссаломда амалга оширилган даҳшатли портлашлар деярли бир вақтнинг ўзида гумбурлади. Нураган бинолар тагида қолган юзлаб одамлар бир лаҳзанинг ўзидаёқ ёруғ дунёдан кўз юмдилар. Найробида 200 киши ҳалок бўлди. Уларнинг 12 нафари АҚШ фуқароси эди. 5 мингдан зиёд одам жароҳатланди. Найробидан 700 километр узоқликда жойлашган Доруссаломдаги ҳуружда эса ўн киши нобуд бўлди. 74 киши жароҳат олди.

Фожеа рўй берган дастлабки соатларни тавсифлаш қийин. Касалхоналарда шифокорлар, жойлаштириш ўриндиқлари етишмади, дори-дармонлар, заҳира қонлар анқонинг уруғи эди. Бу шум хабарни эшитган қўшни давлатлар маъмурияти ҳамда бошқа мамлакатлардаги ҳайрия ташкилотлари дарҳол ёрдамга отландилар. Жанубий Африка Республикасидан «Боинг—707» тайёраси қуйиш учун қон, дорилар, боғлаш воситалари олиб келди. Исроилдан келган 200 нафар ҳарбий қутқарувчилар дарҳол ишга киришиб кетдилар.

Дастлабки дақиқаларданоқ бу террорчилик зарбалари АҚШнинг мазкур мамлакатлардаги элчихоналарига қарши қаратилганлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмади. Айни кунларда қидирув ишлари олиб бораётган АҚШ Федерал Қидирув Бюросининг 60 нафар ходимлари ҳам ана шу фикрда турибдилар.

Душанба куни «Ислом покгоҳларини озод қилиш армияси» деб аталган номаълум ташкилот мазкур портлашларни уюштирганлигини ўз зиммасига олди.

Лекин, ҳанузгача жиноят айбдорлари топилганича йўқ. АҚШ томони террорчилар ҳақида аниқ ахборот берган шахсларга 2 миллион доллар миқдорида мукофот берилажаклигини эълон қилди.

НАВБАТ — ПРЕЗИДЕНТГА

АЙНИ КУНЛАРДА дунё воқеаларидан бироз бўлса ҳам хабардор кишига «Моника Левински ким?» деб савол берсангиз, бу хонимнинг АҚШ президенти Билл Клинтон шаънига ғалати даъволар билан майдонга чиққан шахс эканлигини айтиб бера олади. Ҳа, Моника билан президент ўртасидаги «дон олишликка доир» миш-миш гаплар бир неча ойдан бери давом этиб келмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситалари бу мавзуга тез-тез мурожаат қилмоқдалар.

Ўтган якшанба куни бутун ғавғо қайтадан бошланди. Ҳакамларнинг катта ҳайъати ва прокурор Кеннет Старр ҳузурида Моника Левински ҳозир бўлди. У саккиз ярим соат давомида турли хил савол-ларга очиқ-ойдин жавоб берди. Уларнинг ҳаммаси бир ярим йил ичида давом этган «маъшуқалик» тарихига тааллуқли бўлди. Аммо М. Левински жавоблари ошкор этилмади.

Эндиликда 17 августни одамлар дамини ичига ютиб кутмоқдалар. Чунки, ўша куни ҳакамларнинг катта ҳайъати олдида президент Б. Клинтон саволларга жавоб беради. Бундан президентнинг сафдошлари ва партиядошлари бироз чўчиб турибдилар. Чунки, бирор кор-ҳол рўй берса, президент шубҳа остида қолса, республикачилар дарҳол давлат бошлиғини лавозимидан четлаштириш — импичмент масаласини қўзғатишлари турган гап.

СЎНГГИ ЙЎЛГА... ТАНТАНАВОР

ҲАФТА БОШИДА дунёдан кўз юмган Болгариянинг собиқ раҳбари Тодор Живков сўнгги йўлга кузатилди. Бу шахснинг ҳаёт силсиласи унча текис бўлмади. У Болгария коммунистик партиясининг раҳнамоси сифатида деярли 35 йил давомида мамлакатга раҳбарлик қилди. Қизил империя нураганидан сўнг эса у қамоқ жазосига ҳукм этилди.

91 яшар Т. Живковни дафн этиш маросими эса, айтиш мумкинки, тантанавор бўлди. Турли мамлакатлардан келган маълум ва номаълум вакиллар, Болгария ҳукуматининг аъзолари, собиқ сафдошлар, оддий фуқаролар Софиянинг бош майдонини тўлдириб юбордилар. Марҳумнинг тобути қўйилган шохсупа гулчамбарларга тўлиб кетди... Нега бундай бўлди? Мустақиллик йўлидан бораётган Болгариянинг ҳозирги раҳбарлари янгича ақидага амал қилган бўлсалар, ажаб эмас. Чунки, ўлган одам ҳақида ёмон гаплар айтилмайди, деган нақл бор.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ЯПОНИЯНИНГ Ниигата шаҳрида хусусий фирманинг 12 ходими заҳарланган чой истеъмол қилиш натижасида вафот этди. Бундан икки ҳафта муқаддам худди шундай заҳарланиш натижасида Вакаямэ шаҳрида ўтказилган ёзги байрам пайтида тўрт одам ҳалок бўлиб, 40 дан зиёд киши касалхонага ётқизилган эди. Япония полициячилари ҳар икки ҳолатда ҳам истеъмол қилинган нарсаларга цианид моддаси солинган, деб гумон қилмоқдалар.

ГОЛЛАНДИЯНИНГ Мадурадам шаҳарчаси ҳар йили миллион-миллион одамларни ўзига жалб қилади. Чунки, У Гаага ўртасида жойлашган бўлиб, мўъжаз Голландияни эслатади. Зеро, бутун тарихий ёдгорликлар, обидалар 25 марта кичикликда айни мамлакат қиёфасини такрорлайди. Каналлар, Амстердамдаги қирол майдони, Алкмаардаги пишлоқ бозори кўз ўнгингизда намоён бўлади. Темир йўллардан кириб келаётган поездлар, денгиз соҳилидаги пароходлар одамларни ҳайратга солади. Қош қорайганда ёқилган 50 мингта электр чироқлари шаҳарчани эртакларга мўъжизавий масканга айлантиради...

Бироқ бу шаҳарчага кириш осон эмас. Шундай ҳуқуқни берадиган кириш чипталари ўта қиммат.

ҲИНДИСТОН қонунлари бўйича хусусий кишилар мамлакатга соф олтинни олиб кира олмайдилар. Чунки, электрон асбоблар дарҳол сирни фош этади. Шундай бўлса ҳам Калькутта тайёрагоҳида хизмат қилувчи божхона ходими Ниграм Сарвани ғалати бир усул ишлатади. Унинг ўргатилган Уайт исмли оқ каламуши махсус токчада ўтириб олиб, йўловчиларни бир-бир текширувдан ўтказади. Уайт ҳидлайди, тилло бўлса, типирчилаб қолади... Бир куни катта мартабали киши ўтиб қолди. Уайт типирчилади. Текшириш натижа бермади. Лекин, қайта тинтувда каламуш ҳақ бўлиб чиқди. Йўловчи танглайига каттагина ялпоқ олтин парчасини ёпиштириб олган экан.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 17

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 17 август куни ЎзТВ-1 кўрсатувлари соат 6.30дан 14.10 гача ЎзТВ-III канали орқали намойиш этилади.

ЎзТВ-1

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олам ва одам».
18.30 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг телевизион фестивали.
18.50 «Замон билан ҳамнафас».
19.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7-йиллигига.** «Алпомиш от сурган тупроқ». 1-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
22.25 «Сиёсат оламида».
22.55 Диққат, премьера: М.Бобоев «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 35-кўй.
23.35 Мустақиллик одимлари.
23.40 «Ўйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
24.00 «Ахборот».
00.25 — 00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жаҳон урушларининг махфий архивларидан».
19.05 «Ҳимоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.30 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ. «Серқуёш водий таронаси».
00.25 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

6.30 «Ассалом Ўзбекистон!».
8.00 — 8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Бурч». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
9.55 Мустақиллик одимлари.
10.00, 12.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 Жаҳон спорти.
10.15 «Омад юлдузи». Телевизион ўйин.
10.50 «Оталар чойхонаси».
11.40 «Инсон ва қонун».
12.05 Кундузги сеанс «Ёввойи оққушлар». Бадиий фильм.
13.35 — 14.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
* * *
17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.20 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «ТВ Сиз учун».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Коинот олами». Бадиий фильм.
23.25 — 23.45 «Ахборот»(рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 21.45 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Чорвоқ манзаралари». Кинолавҳа.
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Ўзбекистон — умумий уйимиз» рукнида «Чинор» видеоканали:
«Рангинкамон».
«Дидар».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллиг**ига «Шукрона».
21.05 «Ҳаёт карвони».
21.25 «Ҳамкорлик».
21.50 Кинометограф. «Бу шунақа ўйин».
23.25 Спорт-тайм.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 18

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Эй ёр, хуш келибсиз». Мусиқий дастур.
9.10 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўйлар муборак, Тошкентим». Премьера.
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 35-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 26-серия.
12.05 Мустақиллик одимлари.
12.10 «Дутор ва танбур таронаси».
12.30 — 14.00 Кундузги сеанс: «Мовий тоғлар ёки ҳақиқатан узоқ воқеа». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғаройиб ов». Мультфильм.
18.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.45 «Қишлоқ ҳаёти».
19.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Алпомиш от сурган тупроқ». 2-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Автоолам».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига:** «Ватан, буюк сафингда борман». Ҳужжатли фильм.
21.45 «Акс-садо».
22.20 «Меҳрим дилимда». Мавлуда Ойнақулова қўйлайди.
22.50 Мустақиллик одимлари.
22.55 Диққат, премьера: М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 36-кўй.
23.35 «Ахборот».
24.00 — 00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Ёввойи ҳайвонот олами».
19.05 «Кундалик».
19.15 «Болливудга нигоҳ».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Тақдим».
20.15 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт қитъаси.
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Кинонигоҳ. «Коинотда йўқолганлар».
00.40 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.35
*
21.35 Эълонлар.
20.40 «Сиз уларни танийсиз».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Шарқ киноси. «Бобби». Бадиий фильм(Ҳиндистон).
23.40 — 24.00 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Телефакт.
19.15 «Тасвир».
19.35 Мусиқий танаффус.
19.50, 21.00 — Эълонлар.
19.55 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.55 Мусиқий танаффус.
21.05 «Жаҳон киноси».
23.05 Хит-коллекция.
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА 19

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Дилрабо тароналар».
8.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Акмал».
9.00 «Ҳамкорлик ришталари».
9.20 М.Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 36-кўй.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 «Экран зийнати ва муаммолари».
11.00 «Кичкинтой устахонаси».
11.20 «Осон эмас бу майдон ичра...». Адабий кўрсатув.
11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 27-серия.
12.05 Мустақиллик одимлари.
12.10 «Акс-садо».
12.40 — 14.00 Кундузги сеанс: «Чипполино». Бадиий фильм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Шоирлар болаларга». Наримон Орифжонов.
18.30 «Тилга эътибор».
18.45 «Ҳисобини билганлар».
19.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** «Алпомиш от сурган тупроқ». 3-қисм.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
21.45 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига:** Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 1-қисм.
22.15 «Ёшлар» телеканали:
«Янги авлод».
«Ёшлар табассуми».
«Кўнгил қолма муҳаббатдан».
23.25 «Ахборот».
23.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Зарафшон».
00.35 — 00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Жосуслар». Ҳужжатли серил.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 «Хонадон».
20.10 «Истиқлол қўшиқлари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
21.50 «Жаҳон жанговар саньати».
22.05 «Даракчи».
22.15 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 «Кинонигоҳ».
00.10 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.35 Янгиликлар.
16.40 Болалар учун «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
21.55 «Берсальерлар келяпти». Бадиий фильм.
23.50 — 00.10 «Ахборот»(рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10 — 18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.20 — Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Нафосат гулшани».
20.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.00 «Елқин».
21.20 «Автосалтанат».
21.30 «Мезон».
21.50 «Дурдаршан».

22.25 Олтин хазина М.Шайхзода. «Мирзо Улуғбек». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектакли. 1-қисм.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 20

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
9.10 «Ҳаёт чашмалари».
9.30 Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**: «Остонаси тиллодан».
10.30 «Алифбо сабоқлари».
11.00 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
11.20 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 28-серия.
11.35 «Эл саломатлиги йўлида».
12.05 Ўзбек куйларидан концерт.
12.35 Кундузги сеанс. «Жиноят қидирув бошлиғи ҳаётидан». Бадиий фильм.
14.10 — 14.30 «Илм — ўзликни билмакдир».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.25 «Таянч нуқтаси».
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25. 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига:** «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
21.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига** Н.Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 2-қисм.
22.30 «Сомон йўли».
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Бухоро» — «Сўғдиёна».
00.40 — 00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи»(рус тилида).
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Эркатой».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 «Бўш ўтирма».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида).
19.55 Бир жуфт қўшиқ.
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.20 «Мумтоз наволар».
21.40 «Мутойиба».
22.00 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
22.20 «Даракчи»(рус тилида).
22.30 Оилавий экран. «Темир хотин». 1-серия.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Оилавий экран. «Темир хотин». 2-серия.
00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.05 Янгиликлар.
17.10 «Афшона Ибн Сино Ватани». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00
17.20—20.35
*
20.35 «Регистон узра наволар». Фильм-концерт.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Кино сайёраси».
21.55 Ален Делон «Зорро» фильмида.
23.55—00.15 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «02» тўлқинида.
19.20 «Ҳамшаҳарлар».
19.40 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.20 — Эълонлар.
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Замонавий дизайн».
21.40 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.00 «Мусиқий Олимп».
22.25 Киносалон.
00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 21

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Шарқ тароналари.
8.55 «Ёз кувончлари». Пўлат Мўмин.
9.25 Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 2-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Мустақиллик одимлари.
10.35 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
11.00 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 24-серия.
11.40 Болалар учун. «Биз улғайиб қолдик».
12.05 Кундузги сеанс. «Эл ардоқлаган артист». Бадиий фильм.
13.25 «Созимда севги васфи». Мусиқий дастур.
14.10 — 14.25 «Томчи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.35 «Фермер». Телетанлов.
18.55 «Умр мазмуни». Тулан Низом.
19.15 «Мустақиллик бекати».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.05 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Юртим мўъжизалари».
21.20 Ўзбекистон халқ ҳофизи Ф. Мамадалиев куйлайди.
21.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 3-қисм.
22.20 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
22.45 «Истиқлол фидойилари».
23.05 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ҳуррият». Бадиий фильм. 3-серия.
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Насаф» — «Навбаҳор».
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугуннинг боласи».
18.40 «Бор экан-да, йўқ экан».
19.05 Гиннес-шоу.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Йирик планда».
20.15 «Туйғуларим».
20.20 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маслаҳат».
21.25 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.45 Бокс. Бокс. Бокс.
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. «Катта луқма».
00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун. «Бинафша».
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00.
17.20—20.40
*
20.40 «Кўнгил юртига сафар».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 Оскар совриндорлари: «Муқоваданги қиз». (1944). Бадиий фильм.
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

ЎзТВ-IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Таъзим».
19.25 «Наволарда аён этсам».
19.45 «Саломат бўлинг».
20.05, 21.55 — Эълонлар.
20.10 «Морена Клара». Телесериал.
20.55 «Ўй остонадан бошланади».
21.20 «Дурдаршан».
21.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Шукрона».
22.00 Кинематограф. «Плюшчиходаги «Уч терак» қаҳвахонаси».
23.20 Араб эстрадаси.
23.50—24.00 «Мунаввар тонг истаб...»

ШАНБА, 22

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
9.20 «Зиёрат».
9.30 Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 3-қисм.
10.00 «Шоҳруҳ» клуби.
10.20 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 30-серия.
10.35 «Ёшлар» телеканали
«Сени Ватан кутади»
«Дунё бўлди чаманим маним».
«Ғазалхон ёшлигим».
«Сизга ўхшагим келади».
«Қалб тароналари».
12.15 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
12.40 Зийнат».
13.00 Кундузги сеанс. «Қонли тош». Бадиий фильм.
14.20—14.50 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Настарин атри». Барот Исроил.
21.55 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 4-қисм.
22.25 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури
22.50 «Мусиқий саёҳат».
23.10 «Нақадар тотли сўз — Озодлик» рукнида «Ҳуррият». Бадиий фильм. 4-серия.
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 «Санта Барбара». Телесериал.
9.00 Спорт қитъаси.
9.25 «Лавжой». Телесериал.
10.15 «Исмлар тарихи».
10.30 Болалар экрани.
12.00 «Билиб қўйган яхши».
12.15 «Мутойиба».
12.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
13.25 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
13.45—14.05 «Сир».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?»
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55— Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.15 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.50 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
22.25 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Кинонигоҳ. «Чин муҳаббат».
00.30 Тунингиз хайрли бўлсин!

ЎзТВ-III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси.
17.55—22.55
*
22.55 Эълонлар.
23.00—23.25 «Минг бир кеча».

ЎзТВ-IV

10.05 «Шанба эртаги».
11.15 «Спектаклдан сўнг».
11.40—12.10 «Кросс Роудс» кафесига хуш келибсиз!» (Инглиз тили ҳамма учун).
* * *
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Авторейд».
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Рақслар қанотида».
19.55, 21.55— Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.10 «5 дақиқа ўзим учун».
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 «Хит коллекция».
22.00 Киносалон.
23.40—23.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 23

ЎзТВ-1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.10 «ЕШЛАР» телеканали:
«Оқибат».
«Маҳорат».
«Ватанимга хизмат қиламан».
«Қизлар даврасы».
* * *
12.20 Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр. 4-қисм.
12.50 Кундузги сеанс. «Бегоналар кириши мумкин эмас». Бадиий фильм.
14.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига.** «Тасвирга кўчган кўнгил».
14.25—15.25 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Омад юлдузи». Телеўйин.
18.35 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.55 «Мустақиллик одимлари».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10— Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
21.55 ТВ-I намойиш этади. Телеанонс.
22.05 **Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига**. Н. Абдуллаев. «Мустақиллик дарвозаси». Телевизион театр премьераси. 5-қисм.
22.40 **Спорт дастури.**
«Спорт, спорт, спорт».
«Футбол майдонларида».
«Аср мўъжизаси» кинодастури
23.10 «Кино янгиликлари».
23.25 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.45 «Бошпана излаб». Бадиий фильм (Италия).
01.15—01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ-II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бугуннинг боласи».
8.20 «Тақдим».
8.40 «Санта Барбара». Телесери

«ТЎЁНА» МУБОРАК!

Мени йўқлаб хонамга ёши анчага бориб қолган нотаниш бир киши кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, шеър машқ қилишини, сонет жанрида қалам тебратишини айтиб, тортиниброқ бир даста шеърларини менга узатди, ўқиб кўришимни илтимос қилди. Унинг айтишича, менинг сонет китобларимни ўқиб, каминага эргашиб, сонет ёзишни машқ қилар экан. Анчагина сонетларини ўқиб чиқдим. Кўнглимда ёруғлик пайдо бўлди. Сўнггида унинг «Тўёна» деб номланган сонетлар гулчамбарига кўзим тушиб қолди. Уни ҳам ўқидим. Сонетлар гулчамбари ёзиш ҳар қандай шоирнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу жуда мураккаб ва машаққатталаб санъат. Лекин, касби муҳандис бўлган кишининг сонетдай инжиқ нарсага қўл уриши ва уни уддабуронлик билан адо этиши, рост гап, мени қувонтирди. Гулчамбарининг остига Усмон Эгамберди деб иншо этилган экан. Ангрен шаҳрида яшаб, узоқ йиллар кончилик билан шуғулланган бу киши нафақада бўлса-да, ушбу айёмда ҳам кончилик хизмати билан банд экан.

Усмоналининг «Тўёна» деб аталган сонетлар гулчамбари камина бундан ўттиз йиллар муқаддам Самарқанднинг 2500 йиллик тўйига атаб ёзилган «Тўёна» сонетлар гулчамбарига ўхшаб кетса-да, қувонарли жойи шундаки, бу сонетлар гулчамбари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган. Унда истиқлол, озодлик, ҳуррият нафаси уфуриб турибди. Усмонали ўз шодлигини, озодлигини, халқимиз ва юртимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларни шеърий сатрларда баён этибди. Бу асар Мустақиллик шарофати билан юзага келганлиги каминада яхши таассурот қолдирди.

Усмоналининг «Тўёна» сонетлар гулчамбарини истиқлолимизга бағишланган арзирли асар деб билганим учун, уни «Тошкент ҳақиқати»нинг зукко газетхонларига ҳавола қилишни лозим кўрдим.

Марҳамат, муҳтарам биродарлар, ўқинг, сонетларнинг мағзини чақинг, янги шоир дунёга келганига сиз ҳам гувоҳ бўлинг, фақир билан биргаликда унга тилакдош бўлинг, омадини берсин денг, Усмонали Эгамберди сизларга тўёна келтирди, қабул этинг. «Тўёна» муборак, азиз одамлар!

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг соҳиби, «Мулоқот» журнали бош муҳаррири.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига

ТЎЁНА

(сонетлар гулчамбари)

—1—

Саждагоҳдек азиз, муқаддас диёр,
Буюк аждодларим яшаган макон.
Тўйингдан қувониб, этдим ихтиёр
Табрик-чун қилмоқни ашъор армуғон.

Бастакор куй битар тўйга атайлаб,
Мадҳингни қилурлар шоирлар достон.
Боғларнинг асалдек мевасин танлаб,
Туҳфа ясар тўйга азамат боғбон.

Тупроғинг зар сенинг, Қуёшинг заргар,
Боғу роғларинг ҳам сўлим, сержило.
Бир марта тузингни тотса, ким агар,
Бўлғуси васлингга бир умр шайдо.

Бир умр шайдо бўлиб, васлингга мен ҳам,
Қалбдан илҳомланиб, ушладим қалам.

—2—

Қалбдан илҳомланиб, ушладим қалам,
Шаънингга лойиқ сўз айтмоқ дардида.
Бахтлиман, шеърларим, ҳатто бўлса ҳам,
Шеърият аталган мулкнинг гардида.

Илҳом онидаги шоирдек бедор,
Меҳру ишқинг қилиб шоирона ҳис.
Мадҳинг куйламоқни этиб ихтиёр,
Не ажаб, гар қалам тутса муҳандис.

Элимга бахт берган қутлуғ истиқлол,
Қалбимга илҳому бир оташ солди.
Тақдиру азалда бор бўлган иқбол
Мени масрур этди, тинчлигим олди.

Меҳринг оғушида ўсдим, мен дилбанд,
Созимда ўзингсан, авжим ҳам баланд.

—3—

Созимда ўзингсан, авжим ҳам баланд,
Шундан куйларимда минг турфа оҳанг.
Дилга замин ишқин қилдиму пайванд,
Шеъримга ахтардим водийлардан ранг.

Фарғона водийси, Сурхон даласи,
Ўзбекнинг кўлидай саҳоватпеша.
Аму-Сир бўйининг ўзбек ғалласи,
Ўз хонадонига етган ҳамиша.

Мирзачўл чўл эмас, бир ажиб бўстон,
Гулбоққа айланган Қарши даштлари.
Чўлларга йўл олган Сиру Зарафшон,
Асов дарёларнинг кетган шаштлари.

Меҳнаткашсан азал, фидойи, ўктам,
Истиқлол нуридан яшарган ўлкам.

—4—

Истиқлол нуридан яшарган ўлкам,
Соҳибқирон Темур яшаган Турон,
Мустақил, озодсан бугун чинакам,
Еру сув даҳлсиз, даҳлсиз осмон.

Ўзбекнинг илмини камситган нокас,
Кўҳна тарихни ҳам хор қилди йиллар,
Йиллар кутдик қилиб хурликни ҳавас,
Йиллар камситилдик, вайрон кўнгиллар.

Ўтмиш аждодларим руҳи бу кун шод,
Келди Фитрат, Чўлпон орзу қилган кун.
Дини ислом ила қалбимиз обод,
Оллоҳга минг шукр, бу кунлар учун.

Истиқлол — интизор кутилган офтоб.
Истиқлол — саодат, шеърий инқилоб.

—5—

Истиқлол — саодат, шеърий инқилоб,
Эрк берди эътиқод, ижод, илҳомга.
Мозийдан келадур, тингланг бир хитоб:
— Азалдан содиқмиз дини-Исломга!

Қачонки ўт кетди, дин, қадр-қимматга,
Шу куни лат еди ўзлик, иймон ҳам.
Даҳрийлик чин ғарот бўлди миллатга,
Ўзбегим бошига тушди кулфат, ғам.

Келди ўзлигимиз танишга имкон,
Бу кун ҳаётимда мазмун бир жаҳон.

—6—

Бу кун ҳаётимда мазмун бир жаҳон,
Орзумга қанотлар ёрқин келажак.
Ўтмишда қолсаю ғам, андуҳ, армон,
Не тонг, гар ушалса орзулар бешак.

Дўст билан ҳаётим яна мазмундор,
Дўстлар кўп, қондошмиз, қуда-қудағай.
Пўлатдек мустаҳкам асос-пойдевор,
Авайланар дўстлик, кўз қорасидай.

Ўзбегим азалдан дўстга меҳрибон,
Меҳр-оқибатда собит ва мумтоз.
Лозим бўлса дўст-чун кўкси ҳам қалқон,
Дўстлар қилинар уй тўрида эъзоз.

Дўстлик инсондаги ҳислати ноёб,
Дўстликни улуғлаб, ичгум майи ноб.

—7—

Дўстликни улуғлаб, ичгум майи ноб,
Дўст билан қудратли қадимий Турон.
Ашаддий ёвлар ҳам бера олмас тоб,
Бир муштдай тугилса қондош-қадрдон.

Бир томчи қон оқса тожик элида,
Ўзбекнинг танида оғриқ туради.
Ғам бўлса, оғамиз туркман дилида,
Ўзбекнинг юраги нотинч уради.

Сувимиз, оримиз, осмонимиз бир,
Урф-одатимиз бир, битта динимиз.
Томирда жўш урган қалб қонимиз бир,
Шундан қариндошмиз, оға-инимиз.

Дўстлик боқий, бўлсак гар бир тан, бир жон,
Дўстлар билан обод ҳар бир хонадон.

—8—

Дўстлар билан обод ҳар бир хонадон,
Йиноқ бўлсак қолмас мақсад бесамар.
Шукр, халқим кутган келди ҳур замон,
Бу шундай замонки озод, мунаввар.

Қурамиз биз энди обод келажак,
Аниқ мақсадимиз, орзумиз равшан.
Давлатимиз буюк давлат бўлажак,
Чунки, ҳар кун равнақ топмоқда Ватан.

Ўзбек давлатини тан олди жаҳон,
Тобеъликка барҳам берди истиқлол.
Келди меҳнат завқин сурмоққа даврон,
Бу шундай давронки яшар безавол.

Завқ-шавқ берар мадҳинг оромим олиб,
Бахтли бўл, бўл меҳнат, курашда ғолиб.

—9—

Бахтли бўл, бўл меҳнат, курашда ғолиб,
Соҳибқирон руҳи бўлсин мададкор.
Фанда ҳам илм аҳлин лол, ҳайрон қилиб,
Дунёни забт этган даҳоларим бор,

Аллома Беруний номин билмас ким?!
Илмий хазинаси битмас умрбод.
«Зичи Кўрагоний» тузган мунажжим,
Само илмида ҳам бўлди машҳур зот.

Ал-Хоразмийдан мерос Ал-Жабр,
Муҳандис илмининг бош тамал тоши.
Нақшбандий бобом, гар жоиз таъбир,
Исломнинг Шарқдаги ёрқин қуёши.

Буюклар номини ёдлаймиз ҳар он,
Фанда даҳолардек бўлиб билимдон.

—10—

Фанда даҳолардек бўлиб билимдон,
Ўзбек олимлари машҳур дунёда.
Бири иқтисодда олими замон,
Кашфиёт қилади, бири кимёда.

Бири ер илмида деҳқонга ҳамдам,
Фанимиз фахридир олим-донолар.
Беморлар қалбига қуввату малҳам
Тиббиёт илмида неча Синолар.

Ҳабиб Абдуллаев номин улуғлар,
Ажнабий олимлар ўрганиб ундан.
Она замин иньом этди сийму зар.
Тилсимга у калит кашф қилган кундан.

Фанда Берунийдек бўлолдик толиб,
Дўстни шодлаб, ёвни кулфатга солиб.

—11—

Дўстни шодлаб, ёвни кулфатга солиб,
Асрларни қолдириб доғда, бешикаст.
Гўзаллик оламин ҳайратга солиб,
«Самарқанд сайқали рўйи замин аст».

Қалб қўрини тўкиб тупроғу тошга,
То машҳур шаън санъат яратган меъмор.
Нақшин минорлар бўй чўзиб қуёшга,
Дилларни ром этар такрору такрор.

Бу қутлуғ тўйингда Самарқанд бобо,
Навқирон йигитдек ясанмуш сафда.
Қайта туғилдими кўҳна шаҳар ё,
Оройиш, яшариш ҳар бир тарафда.

Шаҳар-қишлоқларинг этиб бир бўстон,
Бу кун тўйингга сен чорлайсан меҳмон.

—12—

Бу кун тўйингга сен чорлайсан меҳмон.
Тўй қилсанг ярашар, ҳуррам замона.
Ўзбегим меҳмондўст, феъли кенг мезбон,
Безаб дастурхонин бўлар парвона.

Бу қутлуғ тўйингда азим Тошкентим,
Энг катта мезбону, тўйбоши, сардор.
Ҳимматда дарёдек бу саҳий кентим,
Меҳмон кутишда ҳам дунёда номдор.

Навқирон ёшингни дилдан табриклаб,
Келишар гул тутиб қондош-қадрдон.
Дўстлар истар, сенга эзгулик тилаб,
Доим равнақ, тинчлик, беғубор осмон.

Диёрим тўйингдан шодман на қадар,
Тилагим менинг ҳам, ёр бўлсин зафар.

—13—

Тилагим менинг ҳам, ёр бўлсин зафар,
Эй, рўзғорим файзи, бобо деҳқоним.
Қадоқ қўлда ер ўз ардоғин топар,
Меҳнатинг самари бут дастурхоним.

Ер бағридан олтин топсамда, агар,
Қойилман сенга, мен кончи муҳандис.
Кечиб ҳаловатдан ҳар кун, шом-саҳар,
Чўнг меҳнат қилурсан ҳосил деб, холис.

Беллашар Помир-ла «Оқ олтин» тоғи,
Бу тоғ — чаноқлардан уйилган қудрат.
Бу қудратдан дўстлар қувонган чоғи,
Душман кулфатига қўшилар кулфат.

Деҳқонимга тўйнинг тўри муқаррар,
Тўйингга туҳфамдир шеърий гулчамбар.

—14—

Тўйингга туҳфамдир шеърий гулчамбар,
Бундаги ҳар сатр қалбим нидоси.
Суҳан ғазнасидан тердим дур, гавҳар,
Сўзларнинг жилоси — кўзим зиёси.

Муборак этаман навқирон ёшинг,
Минг йиллар бўл омон, кўрма ҳеч завол.
Ҳамиша порласин толе қуёшинг,
Сенга ҳамроҳ бўлсин доим бахт, иқбол.

Мадҳингни куйлайман, эй, толеи баланд,
Фикру зикрим бўлиб ишқинг билан банд.

ГЎЛЧАМБАР

Фикру зикрим бўлиб ишқинг билан банд,
Қалбдан илҳомланиб ушладим қалам.
Созимда ўзингсан, авжим ҳам баланд,
Истиқлол нуридан яшарган ўлкам.

Истиқлол — саодат, шеърий инқилоб,
Бу кун ҳаётимда мазмун бир жаҳон.
Дўстликни улуғлаб ичгум майи-ноб,
Дўстлар билан обод ҳар бир хонадон.

Бахтли бўл, бўл меҳнат, курашда ғолиб,
Фанда даҳолардек бўлиб билимдон.
Дўстни шодлаб, ёвни кулфатга солиб,
Бу кун тўйингга сен чорлайсан меҳмон.

Тилагим менинг ҳам, ёр бўлсин зафар,
Тўйингга туҳфамдир шеърий гулчамбар.

Усмон ЭГАМБЕРДИ.

«ТОЗА ҲАВО» ТАДБИРИ

Вилоятимизда табиатни асраш, айниқса, ҳавонинг заҳарли газлар билан ифлосланишига йўл қўймаслик учун ДАН бошқармаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Нефтгазназорат» ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказишда фаол иштирок этмоқда.

Шу мақсадда вилоятнинг серқатнов йўллари, аҳоли зич яшайдиган саноат ҳудудларида, дам олиш жойларида 28та мунтазам ва 6 та кўчма экологик масканлар ташкил этилган. Шу кунгача 2800та транспорт воситаси текширилди. Шулардан 480таси экологик жиҳатдан носозлиги аниқланди. Ўз автоуловининг техник ҳолатини яхши сақлаб юрган ҳайдовчиларга экология талонлари берилди.

Текшириш жараёнида маълум бўлишича, вилоятдаги автохўжаликларнинг 60 фоизида йўлга чиқарилган транспорт воситалари назоратдан ўтказилмайди. Тадбир давомида 28та автокорхонадаги 680та машина текширилганда уларнинг 160таси экология талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Толибжон АБДУЖАББОРОВ,
Исроилхўжа САИДКАРИМОВ,
Вилоят ИИБ ДАН бошқармаси ходимлари.

МАНЗИЛГА ЕТМАГАН ОҒУ

ДАН бурчи

ТОНГГИ соат тўрт. Ҳамма ширин уйқуда. Фақатгина осойишталик посбонлари сергак. Бекобод туманида жойлашган «Ойбек» ДАН масканида хизмат қилаётган ички ишлар ходимлари эътиборини шаҳар томонидан катта тезликда яқинлашаётган машина тортди.

— Қандай қоидани буздик, милиционер ака, — деди кабинадан тушаркан ФОРД русумли, давлат белгиси С 02—04 ТН бўлган автоулов ҳайдовчиси.

— Қоидани бузмасак ҳам тўхтатаверар экансизда? Ҳужжатларимни кўрган эдингиз-ку!

Дарҳақиқат, вилоят ички ишлар бошқармаси Давлат автомобил назорати бошқармаси нозирлари Х. Йўлдошев ва Р. Турғунбоевлар кеча оқшомда ушбу машина ҳайдовчисининг ҳужжатларини текширувдан ўтказган эдилар. Ҳайдовчининг ярим ҳазил, ярим чин оҳангидаги норозилиги ДАН ходимлари кўнглида пайдо бўлган шубҳани бир оз сўндиргандек бўлди.

— «Наҳотки шубҳаларим хато бўлса», — дея кўнглидан ўтказди Х. Йўлдошев. — Кеча ҳужжатларингизни текширган бўлсак, бугун автомашинангизни текширамиз. Хафа бўлмайсиз, хизматчилик, — деди ҳайдовчига. Бу гапни эшитиб, ҳозиргина ясама табассум билан жонсарак турган ҳайдовчи сувга тушган мушукдек шумшайиб қолди.

ДАН ходимларининг ички туйғулари панд бермади. Автомашина текширувдан ўтказилаётганида йўловчилардан бири аста-секин орқага сурила бошлади. Буни пайқаган ички ишлар ходимлари уни қўлга олдилар. Автоулов йўловчиси Р. Собирни текшириб кўрганларида, оғирлиги 332,5 грамм бўлган гиёванд модда — опий олиб келаётганлиги маълум бўлди. Мазкур жиноий иш юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Маҳмуд АЛИМОВ,
Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ катта инспектори, милиция капитани.

UZEXPOCENTRE

КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИК ВАКИЛЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«МИНИТЕХ—98»

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар Вазирлиги

Сизни

«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича ихчам ускуна ва минитехнологиялар»

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

КЎРГАЗМА 1998 ЙИЛ 24—27 АВГУСТ КУНЛАРИ

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» Республика савдо-кўргазма маркази 4-павильонида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107-уй.

Кўргазманинг ишлаш вақти:
24 АВГУСТ соат 17.00—18.00.
25—26 АВГУСТ соат 10.00—18.00.
27 АВГУСТ соат 10.00-15.00.

Кўргазмада Болгария, Япония, Туркия, Италия, Хитой, Олмония ва бошқа давлатлар минитехнологиялари ва ихчам ускуна намуналари намойиш этилади.

Кўргазмада ИСРОИЛ давлатининг миллий бўлимида 15 дан зиёд фирмалар иштирок этадилар.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган хабарларга қараганда, 15-19 август кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Момақалдироқ пайтида шамол кучайиб, ҳар сонияда 15-17 метрга етади.

Ҳарорат кечалари 16-23, кундуз кунлари 30-35 даража атрофида бўлади.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги «Нуртехсервис» масъулияти чекланган жамият **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар бир ой мобайнида 116-16-19 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0159. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.777 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6